

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

ШЕРИМБЕТОВ АНВАР ГУЛМИРЗАЕВИЧ

***FUSARIUM* ТУРКУМИ ЗАМБУРУҒЛАРИНИНГ
БИОМОРФОЛОГИЯСИ ВА ПАТОГЕНЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.04 – Микробиология ва вирусология

**биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шеримбетов Анвар Гулмирзаевич

Fusarium туркуми замбуруғларининг биоморфологияси ва патогенлик хусусиятлари 3

Шеримбетов Анвар Гулмирзаевич

Биоморфология и патогенные свойства грибов рода *Fusarium* 24

Sherimbetov Anvar Gulmirzaevich

Biomorphology and pathogenic peculiarities of fungi of the genus *Fusarium*..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

ШЕРИМБЕТОВ АНВАР ГУЛМИРЗАЕВИЧ

***FUSARIUM* ТУРКУМИ ЗАМБУРУҒЛАРИНИНГ
БИОМОРФОЛОГИЯСИ ВА ПАТОГЕНЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.04 – микробиология ва вирусология

**биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/В12 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (microbio@academy.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джуманиязова Гульнара Исмаиловна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳасанов Ботир Очилович
биология фанлари доктори, профессор

Ибодов Комил
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ботаника институти

Диссертация ҳимояси Микробиология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.В.38.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «28» май соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, e-mail: microbio@academy.uz).

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 5-қават, кутубхона. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98).

Диссертация автореферати 2019 йил «14» май куни тарқатилди.
(2019 йил «14» майдаги № 2 рақамли реестр баённомаси).

Арипов Тахир Фатихович

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор, академик

Жураева Роҳила Назаровна

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Гулямова Ташхан Гафуровна

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларини ривожлантиришда экинларнинг зараркунанда ва касалликларга чидамли янги навларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда қишлоқ хўжалик экинларининг 400 дан ортиқ фузариоз касаллиги билан зарарланиши оқибатида озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги ва уларнинг сифатини пасайишига сабаб бўлмоқда. Бу борада, асосий қишлоқ хўжалик экинларини зарарловчи патоген микроорганизмларнинг салбий таъсирини аниқлаш, интенсив технологияларни ишлаб чиқиш, қўллаш ҳамда ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилиш талаб этилади. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги экинларида касаллик қўзғатувчи микроорганизмларнинг патогенлик хусусиятларини аниқлаш, далаларда фитосанитар назоратини ўтказиш ва экинларда фузариоз касаллигини эрта аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигининг аксарият тармоқларида тупроқ унумдорлиги, атроф-муҳитнинг ўзгариши ва турли қишлоқ хўжалик экинларининг, ҳосилдорлигини интенсив ошириб боришда патоген микроорганизмларни яъни фузариум туркумига оид фитопатоген турларни аниқлаш муҳим ҳисобланади. Жумладан, экинларда касаллик қўзғатувчиларни тўғри аниқлаш, фузариоз касалликларини қўзғатувчи турларнинг таркиби, ўсимликларни зарарловчи фитопатоген организмларнинг ўзига хос морфологик хусусиятлари, уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш, изолятларни чагиштириш, ДНК таҳлили асосида турларни идентификация қилиш, ниҳоллар нобуд бўлишининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш истиқболли йўналишлар ҳисобланади. Шу боис, республикамизда кенг тарқалган қишлоқ хўжалик экинлари касалликларини аниқлаш асосида уларга қарши курашишни янада такомиллаштириш ва патоген замбуруғлар синтез қиладиган микотоксинларнинг турли экинларга таъсирини камайтириш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги экинларини ҳосилдорлигини яхшилаш, касалликларга қарши кураш, микромицетлар таксономиясини аниқлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, ғўзанинг маҳаллий навларини зарарловчи фузариум туркумига мансуб айрим патоген турларининг молекуляр-генетик идентификацияси бўйича муайян натижаларга эришилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва мой олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини оптималлаштириш, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий шароитларга мослашган экинларининг янги навларини яратиш ва жорий этиш» бўйича вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларини амалга оширишда, жумладан экин майдонларини фитосанитар назоратдан ўтказиш, қишлоқ хўжалиги экинларида фузариоз касалликларини эрта диагноз қилиш усулини ишлаб чиқиш ва ушбу касалликларга қарши кураш чора-тадбирларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 октябрдаги Ф-5394-сон «Қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилишнинг қўшимча ташкилий чора тадбирлари тўғрисида» ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *Fusarium* туркумига мансуб турларнинг дастлабки системасини яратиш немис олимлари Wollenveber H.W. et al. (1925) ва Wollenveber H.W., Reinking O.A. (1935) томонидан амалга оширилган. *Fusarium* туркуми турларининг морфологияси, таксономияси бўйича илмий изланишлар ўтказилган, бу соҳаларда жаҳоннинг етакчи илмий марказларининг олимлари, жумладан Snyder W.C., Hansen H.N. (1940), Райлло А.И. (1950), Booth C. (1971), Билай В.И. (1977), Gerlach W., Nirenberg H. (1982), Nelson P. E., Toussoun A., Marasas W.F. (1983), Leslie J.F., Summerel V.A. (2006) фаолият юритганлар, ушбу туркум турларининг патогенлик ва токсигенлик хусусиятларини Bell A. A., M. H. Wheeler et al. (2003), Marasas, W. F. O., P. E. Nelson (1984), Sewram, V. N. et al. (2005), Soriano, J. M., S. Dragacci (2004) тадқиқ қилишган.

Ўзбекистон Республикаси шароитида *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғлар турларининг таркиби, систематикаси бўйича Камишко О.П. (1968), Назаров О. (1971), Сагдуллаева М. (1977), Зупаров М.А. (1983), Шералиев А. (2001), Ҳасанов Б.А. (2017) ларнинг маълумотлари фитопатологик характерга эга бўлиб, улар тупроқдан ва *Gossypium hirsutum*, *Gossypium barbadense*, *Abutilon theophrasti*, *Melo orientalis*, *Lycopersicon esculentum* каби ўсимликлардан ажратилган *Fusarium* турлари билан тажрибалар ўтказилган.

Аммо, юқоридаги олиб борилган тадқиқотларда *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғлар турларининг таркибини ва уларнинг морфологияси, патогенлик хусусиятларини аниқлаш бўйича тўлиқ маълумотлар мавжуд эмас. Шунинг

учун *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғлар турларининг таркибини, морфологияси ва патогенлик хусусиятларини аниқлаш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий–тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-А8-Т019 «Дўзанинг янги адаптив, қимматли хўжалик белгиларини ўзида мужассам этган, тезпишарлик, ҳосилдорлик ва тола сифати устуворлигида навлар яратиш ва кўпайтириш. Конкурс нав синовини ўтказиш» (2015-2017 йй.) ва ФА-А-КХ-2018-224 «Микро-табиатли биополимерларга асосланган агробиотехнологияларни қўллаш орқали ўзанинг турли навларининг стресс-шароитли тупроқларда ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ҳамда фитопатогенлар бионазоратини ошириш» (2018-2020 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли ҳудудлар қишлоқ хўжалик экинларидан ажратилган *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғлар турларининг таркиби, морфологияси, патогенлик хусусиятларини аниқлаш ҳамда соф культураларининг коллекциясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республикамизнинг айрим ҳудудларини фитосанитар назоратдан ўтказиш ва касалланган қишлоқ хўжалик экинларининг намуналарини йиғиш;

йиғилган ўсимлик ва тупроқ намуналарининг микологик экспертизасини амалга ошириш, *Fusarium* туркумининг патогенлик хусусиятга эга турларининг соф культураларини ажратиш;

ажратилган изолятларнинг систематик ўрнини ҳамда морфологик, биологик ва патогенлик хусусиятларини аниқлаш;

Fusarium туркуми турларининг айрим штаммлари ва *F. oxysporum* f.sp. *vasinfectum* штамми физиологик ирқларининг қишлоқ хўжалик экинлари уруғларининг унвчанлигига таъсирини аниқлаш;

қишлоқ хўжалиги экинларида фузариоз касалликларини эрта диагноз қилиш усулини ишлаб чиқиш ва ушбу касалликларга қарши кураш чора-тадбирларини такомиллаштириш;

аниқланган тур ва штаммлар моноспорали культураларининг коллекциясини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти мавсумлар бўйича 2012-2018 йилларда республикамизнинг турли ҳудудлари тупроқ ва касалланган қишлоқ хўжалик экинларидан ажратилган *Fusarium* туркуми турларининг штаммлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети республикамизда касалланган қишлоқ хўжалик экинлари ва тупроқлардан *Fusarium* туркуми турларини ажратиш, уларнинг соф культураларини олиш, ажратилган ва коллекцион

штампларнинг морфологик, биологик, патогенлик ва бошқа хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни ўтказишда дала фитосанитар назорати, микологик, микробиологик, микроскопик, умумий фитопатологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон микофлораси учун касалланган қишлоқ хўжалик экинларидан *Fusarium* туркумига мансуб 3 янги турининг соф культуралари ажратиб олинган;

илк бор морфологик ва молекуляр-генетик усуллар асосида *F. proliferatum*, *F. equiseti*, *F. fujikuroi* турлари штампларининг *Fusarium* туркуми таксономиясидаги систематик ўрни аниқланган;

турли ҳудудларда қишлоқ хўжалик экинларини зарарловчи *Fusarium* туркумининг 16 тури, 1 ихтисослашган формаси, 3 физиологик ирқи идентификация қилинган;

ажратилган *Fusarium* туркуми турлари штампларининг морфологияси ва уларнинг патогенлик хусусиятлари аниқланган;

илк бор *Fusarium* туркуми турлари айрим штамплари ва *Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum* физиологик ирқларининг қишлоқ хўжалик экинлари уруғларининг унвчанлигига таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти “Фитопатоген ва бошқа микроорганизмлар коллекция”си ноёб илмий объекти коллекциясининг генофонди *Fusarium* туркумининг 16 тури, 1 ихтисослашган формаси, 3 та физиологик ирқлари ҳисобига бойитилган ҳамда турлараро ихтисослашган шаклларининг электрон базаси яратилган;

Fusarium туркуми замбуруғларининг 16 турини морфологик белгилари бўйича аниқлашда оптимал озуқа муҳитларининг таркиби танланган;

Fusarium oxysporum f.sp. *vasinfectum* турининг физиологик ирқлари билан касалланган ғўза далаларида алмашлаб экиш схемаси ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги экинларида фузариоз касаллигини келтириб чиқарувчи *Fusarium* туркуми замбуруғларининг тур таркиби аниқланган ва уларга қарши кураш чоралари бўйича тавсиялар тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий микологик усуллар қўлланилганлиги, улар асосида олинган илмий натижалар етакчи маҳаллий ва хорижий журналларда чоп этилганлиги, замбуруғларнинг коллекцияси бойитилганлиги, тадқиқотнинг амалий натижалари нуфузли давлат органлари тизимида жорий этилганлиги билан изоҳланади. Экспериментал маълумотларга статистик хато, ўртача, ишончлилик интерваллари, стандарт оғишларни ҳисоблаш Statistica 6.0 компьютер дастури ва стандарт методлар ёрдамида олиб борилган. Натижаларнинг статистик аҳамияти Стъюдентнинг t-критерийсини ҳисоблаб чиқиш орқали аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот

натижаларининг илмий аҳамияти республикамизда фузариоз касаллигини қўзғатувчи *Fusarium* туркуми турларининг таркиби аниқланганлиги, илк бор Ўзбекистон шароитида касалланган қишлоқ хўжалик экинларида *F. proliferatum*, *F. equiseti*, *F. fujikuroi* турлари учраши қайд этилганлиги ҳамда уларнинг морфологияси ва патогенлик хусусиятлари асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти *Fusarium* турлари, тур ичи ҳамда ихтисослашган формалари билан коллекция бойитилиши, асосий қишлоқ хўжалик экинларидан ғўза, бошоқли, полиз, сабзавот, мева ва бошқа экинларда фузариоз билан зарарланган ўсимликларни эрта диагноз қилиш, ушбу касалликларга қарши курашиш, касаликларга чидамли навларни экиш, уларни ҳимоя қилиш ҳамда фузариоз касалликларига қарши кураш тадбирларини амалга оширишда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Касалланган қишлоқ хўжалик экинларидаги *Fusarium* туркуми турларининг морфологияси ва уларнинг патогенлик хусусиятлари, эрта диагноз қўйиш, касалликларга қарши курашиш ҳамда чидамли навларни экиш бўйича олинган натижалар асосида:

RNAi технологияси асосида ғўзанинг фузариоз вилт касаллигига чидамли биотехнологик тизмалари олишда ФА-А6-ТО85 рақамли «Ўзанинг фузариоз вилт (*Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum*) касаллигига чидамли биотехнологик тизмаларини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳасида *Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum* замбуруғларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2018 йил 18 октябрдаги 06-10/4715-сон маълумотномаси). Натижада биотехнологик тизмаларнинг фузариоз вилт касаллигига чидамлилигини баҳолаш мақсадида фитопатоген замбуруғ *Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum* билан ўсимликларни сунъий зарарлаб, уларнинг чидамлилигини баҳолаш имконини берган;

турли хил ҳудудлар қишлоқ хўжалиги экинларидан ажратиб олинган фитопатоген замбуруғлар ва бошқа микроорганизмлар штамлари Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг «Фитопатоген ва бошқа микроорганизмлар» ноёб объекти коллекцияси генофондига топширилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 15 октябрдаги 4/1255-2717-сон маълумотномаси). Натижада коллекциянинг «Фитопатоген ва бошқа микроорганизмлар» генофондини бойитиш ва *Fusarium* турлари, туричи ҳамда ихтисослашган турлар хилма-хилликлари электрон базаси ахборот-таҳлил тизимини шакиллантиришда фойдаланиш имконини берган;

касалланган қишлоқ хўжалик экинларидан ажратиб олинган *Fusarium* туркуми турларининг штамлари Жаҳон микроорганизмлар маълумотлар марказининг Патоген Микроорганизмлар Миллий коллекциясининг (World Data Center for Microorganism (WDCM) National Collection of Phytopathogenic Microorganisms (NCAM)) маълумотлар базасига WDCM 862-рақами билан

рўйхатдан ўтказилган (http://new.wfcc.info/ccinfo/index.php/collection/by_id/862). Натижада дунёнинг турли минтақаларида тарқалган *Fusarium* туркумига оид турларини тадқиқ қилишда глобал доирада фойдаланиш имконини берган;

ғўза ва буғдой экинларида фузариоз сўлиш, ҳамда илдиз чириш касалликларига қарши курашиш учун RIZOROM-1 биопрепарати билан ғўза чигити ва RIZOROM-2 биопрепарати билан буғдой уруғларини экишдан олдин ишлов бериб Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида 50 гектар ғўза ва буғдой экинларга, Фарғона вилояти Қувасой шаҳардаги фермер хўжалигида 30 гектар буғдой майдонларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 3 декабрдаги 02/021-226-сон маълумотномаси). Натижада назорат вариантга нисбатан биопрепаратлар билан ишлов берилган ғўза ва буғдой далаларидан 7-8 центнер қўшимча ҳосил олиш имконини берган;

FOSSTIM-3 бактериял ўғити билан сабзавот экинлари уруғларини экишдан олдин ишлов бериб Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги “Шохидабону-Шерзод” фермер хўжалигининг 15 гектарида майдонида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 3 декабрдаги 02/021-226-сон маълумотномаси). Натижада сабзавотларнинг ўсиб ривожланишида ижобий таъсир кўрсатиш ва юқори ҳосил олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шулардан 7 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан 5 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*Fusarium* туркумининг ўрганилишига оид илмий манбалар шарҳи» деб номланган биринчи бобида *Fusarium* туркуми

замбуруғларининг таксономияси ва уларнинг ҳозирги ҳолати, қишлоқ хўжалик экинлари микобиотасида *Fusarium* туркуми турларининг тарқалиши, *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғлар келтириб чиқарадиган касалликларнинг тавсифи, зарари ва уларга қарши кураш чоралари, *Fusarium* туркуми турларининг паразитлик хусусиятларининг спецификлиги, *Fusarium* туркуми турларининг токсигенлик ва патогенлик хусусиятларини белгиловчи омиллар ва метаболитик моддаларининг роли бўйича илмий манбалар чуқур таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «Диссертация ишининг тадқиқот объекти ва уни амалга оширишда қўлланилган усуллар» номли иккинчи бобида тадқиқот олиб боришда қўлланилган микологик, микроскопик, морфологик-культурал, молекуляр-генетик ва статистик усуллар ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистоннинг турли географик зоналарида *Fusarium* туркуми турлари популяцияси ва тарқалиш даражалари» номли учинчи бобида *Fusarium* туркуми турларини касалланган ўсимлик ва тупроқлардан ажратиш олиш, уларнинг морфологияси белгилари бўйича таҳлили, морфологик-культурал белгилари асосида турларни идентификация қилиш ҳамда таксономик таҳлилларига оид тадқиқот натижалари ёритилган.

Республикамизнинг турли ҳудудларидан *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғларни ажратиш мақсадида экспедицияларга чиқилди ва далаларда фитосанитар назоратлар ўтказилди. Фитосанитар назоратдан ўтказиш жараёнида касал ўсимликларнинг намуналари йиғилди ва улар лаборатория шароитида микологик экспертизадан ўтказилди.

Тадқиқотлар натижасида *Fusarium* туркумига мансуб *F. avenaceum*, *F. culmorum*, *F. equiseti*, *F. fujikuroi*, *F. globosum*, *F. graminearum*, *F. heterosporum*, *F. lateritium*, *F. oxysporum*, *F. poae*, *F. proliferatum*, *F. sambucinum*, *F. solani*, *F. sporotrichioides*, *F. tricinctum* ва *F. verticillioides* замбуруғларнинг соф культураси ажратиш олинди.


Касалланган қишлоқ хўжалик экинларидан Ўзбекистон микобиотаси учун янги *F. equiseti*, *F. fujikuroi*, *F. proliferatum* турларининг соф культуралари ажратиш олинди (1-расм).

Ажратилган замбуруғлар яқка спорадан ажратилган культура ҳолатига келтирилди. Замбуруғларнинг морфологияси ва систематикасини ўрганиш мақсадида намуналар 5 та турли озуқа муҳитларга экилди (1-жадвал).

Қуйидаги жадвалда келтирилган турли озуқа муҳитлари замбуруғларнинг қатор морфологик ўзига хос хусусиятларини аниқлаш учун такрорий тайёрланиб намуналар маълум изчилликда экилиб, кўпайтириб борилди.

Масалан, ГА озуқа муҳити касалланган ўсимликлардан тегишли замбуруғ намуналарини ажратиш учун 200 г картошкали КДАС озуқа муҳити замбуруғ колонияларининг рангининг аниқлаш учун, 1000 г картошкали КДАС озуқа муҳити замбуруғларнинг микроконидиялар ҳосил қилиши учун, ГЛА озуқа муҳити замбуруғларнинг макроконидиялар ҳосил қилиши учун,

Чапека озука муҳити культураларнинг умумий морфологик белгиларини аниқлаш учун фойдаланилди.



1-расм. Ўзбекистон микрофлораси учун янги келтирилган турларнинг КДА озука муҳитида культураси (а) ва ГЛА озука муҳитидаги макроконидиялари (б) (x400 мкм)

1-жадвал

Замбуруғларнинг морфологиясини ўрганишда фойдаланилган озука муҳитлари

№	Замбуруғ турининг номи	ГА	КДАС (200 г картошкали)	КДАС (1000 г картошкали)	ГЛА	Чапек а
1	<i>F. avenaceum</i>	+	+	+	+	+
2	<i>F. culmorum</i>	+	+	+	+	+
3	<i>F. equiseti</i>	+	+	+	+	+
4	<i>F. fujikuroi</i>	+	+	+	+	+
5	<i>F. globosum</i>	+	+	+	+	+
6	<i>F. graminearum</i>	+	+	+	+	+
7	<i>F. heterosporum</i>	+	+	+	+	+
8	<i>F. lateritium</i>	+	+	+	+	+
9	<i>F. oxysporum</i>	+	+	+	+	+
10	<i>F. poae</i>	+	+	+	+	+
11	<i>F. proliferatum</i>	+	+	+	+	+
12	<i>F. sambucinum</i>	+	+	+	+	+
13	<i>F. solani</i>	+	+	+	+	+
14	<i>F. sporotrichioides</i>	+	+	+	+	+
15	<i>F. tricinctum</i>	+	+	+	+	+
16	<i>F. verticillioides</i>	+	+	+	+	+
17	FOV	+	+	+	+	+

Изоҳ: ГА – оч агар; КДАС – стрептомицилли картошкали-декстрозали агар; ГЛА – чиннигул баргли агар.

Лаборатория шароитида амалга оширилган микологик тадқиқотлар давомида республикамизнинг Андижон, Тошкент ва Бухоро вилоятларининг қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган далаларнинг 10, 20 ва 30 см тупроқ

катламларидан олиб келинган намуналардан *Fusarium* туркумига оид 20 та штамм ажратиб олинди (2-жадвал).

2-жадвал

Республиканинг турли вилоятларининг далалари тупроқларининг микологик экспертизаси натижалари

№	Вилоятлар	Ажратилган штаммларнинг коллекциядаги тартиб рақами	Замбуруғ номи
1	Андижон	536 (5/2), 539 (5/3), 540 (5/2), 553 (5/3), 562 (1/2), 550 (4/3), 572 (4/3)	<i>Fusarium oxysporum</i>
		534* (5/2); 564 (2/2)	<i>Fusarium oxysporum</i> f.sp. <i>vasinfectum</i>
		531 (2/3)	<i>Fusarium solani</i>
		532* (2/2)	<i>Fusarium sporotrichioides</i>
		533* (4/3)	<i>Fusarium proliferatum</i>
2	Тошкент	648 (5/2), 649 (4/3)	<i>Fusarium proliferatum</i>
3	Бухоро	633 (3/2), 640 (5/3), 650 (4/2) 655 (7/3)	<i>Fusarium oxysporum</i>
		586 (1/2), 589 (2/3)	<i>Fusarium solani</i>

Изох: * - молекуляр-генетик усуллар ёрдамида аниқланган штаммлар.

Баъзи штамм намуналарини аниқлашда Геномика ва биоинформатика маркази ходимлари билан биргаликда молекуляр-генетик таҳлиллар амалга оширилди.

Республикамизнинг қишлоқ хўжалик экинларида фузариоз касаллиги билан курашда ва чидамли навларни танлаб экишда тупроқ микобиотаси таркибини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Бу туркум вакилларининг морфологиясини ўрганиш бошқа микромицетларга қараганда бирмунча қийинчиликларга сабаб бўлади. *Fusarium* туркуми турлари ҳар қандай озуқа муҳитларида микро- ва макроконидиялар ҳосил қилмаслиги боис, туркум турларининг морфологик хусусиятлари махсус озуқа муҳитлар яратиш ва уларда замбуруғ культураларини ўстириш орқали тадқиқ қилиниши талаб этилади. Мазкур туркум вакиллари учун конидиялар ҳосил қилишда оптимал озуқа муҳити ГЛА (чиннигул баргли агар) ҳисобланади. ГЛА озуқа муҳитига замбуруғлар мицелийларининг бўлакчалари экиб қўйилади. 10-12 кундан кейин мицелийларининг ранги ҳамда микроскоп остида макроконидия ва макроконидияларнинг ўлчами ва шакли ўрганилди (3-жадвал, 2-расм).

Замбуруғ турлари ва уларнинг тур ичи хилма-хиллигига ойдинлик киритишда рибосомал РНК (рДНК/rDNA) ITS (Internal transcribed spacers) регионининг ITS1 ва ITS2 қисмларида азот асослари кетма-кетликлари фарқланишини ўрганиш қатор йиллардан буён қўлланилиб келинмоқда. Мазкур регион *Ascomycota*, *Basidiomycota*, *Zygomycota* каби замбуруғ гуруҳларига оид турларни аниқлаш ва уларнинг филогенетик таҳлилида катта илмий натижалар олинган (White et al., 1990, Xu J., 2016). Ўзбекистонлик олимлар (Эгамбердиев, 2016) томонидан *Fusarium* туркумидаги патогенлар геном таҳлили натижасида нусхали генларини (TEF-1 α , VT, rDNA, NIR, PHO) ре-секвенслаш амалга оширилган, бета тубулин (VT) гени нуклеотид кетма-кетлигига асосланиб *Fusarium oxysporum*

f.sp vasinfectum турининг 2,3,6 физиологик ирқлари ва А, В патогенлар гуруҳини идентификациялашга қодир универсал SNP праймерлари ишлаб чиқилган.

3-жадвал


Аниқланган *Fusarium* туркуми турларининг асосий морфологик белгилари

№	Замбуруғ турлари	Макроконидиялари		Микроконидиялари		Спородохийларининг ранги
		ўлчами (мкм)	шакли	ўлчами (мкм)	шакли	
1	<i>F. avenaceum</i>	45-50x5-6	чўзинчоқ	5-7x3-5	эллипссимон	қизғиш-пушти
2	<i>F. culmorum</i>	30-45x2-4	таёқча, дорсал томони сал эгилган, вентрал томони деярли тўғри	-	-	тўқ сариқ-қизғиш
3	<i>F. equiseti</i>	45-50x10-15	эллипссимон	10-15x5-7	ноксимон	оқ кейин бинафшаранг
4	<i>F. fujikuroi</i>	25-120x10-12	конуссимон	-	-	оч ёки тўқ жигаранг
5	<i>F. globosum</i>	56-68x5-8	овалсимон	10-12x3-5	шарсимон	бинафшаранг
6	<i>F. graminearum</i>	40-60x5-6	конуссимон	-	-	қизғиш-пушти
7	<i>F. heterosporum</i>	30-45x3-5	ўроқсимон	-	-	оқ- пушти
8	<i>F. lateritium</i>	45-58x7-10	ўроқсимон	10-12x5-8	эллипссимон	оқ, оч сариқ, оч пушти
9	<i>F. oxysporum</i>	37-40x3,9-4,3	ёйсимон	12,2-14x3-3,7	ноксимон	ҳаворанг
10	<i>F. poae</i>	20-25x5-7	эгилган конуссимон	3-5x2-3	ноксимон	сариқ
11	<i>F. proliferatum</i>	30-42x12-15	чўзинчоқ	6-8x2-3	ноксимон	оч сариқ
12	<i>F. sambucinum</i>	25-36x2-3	ўроқсимон	7-8x1-2	ноксимон	оқ кейин кулранг-сарғиш
13	<i>F. solani</i>	55-65x5-6	овалсимон	7-8x1-2	буйраксимон	оқ-сарғиш
14	<i>F. sporotrichioides</i>	55-60x5-8	ўроқсимон	10-15x3-6	ноксимон	оқ ёки қизғиш
15	<i>F. tricinctum</i>	45-60x6-8	овалсимон	6-8x3-5	шолғомсимон	тўқ қизил
16	<i>F. verticillioides</i>	30-35x2-3	конуссимон	7-8x1-2	овалсимон	бинафшаранг

2012-2015 йиллар давомида Геномика ва биоинформатика маркази илмий ходимлари билан ҳамкорликда институт «Фитопатоген ва бошқа микроорганизмлар ноёб илмий коллекция»си сақланаётган FOV моноспорали изолятларининг физиологик ирқлар идентификацияси, *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғларнинг 6 тури: *F. solani*, *F. equiseti*, *F. sporotrichioides*, *F. fujikuroi*, *F. proliferatum*, *F. oxysporum* f.sp *vasinfectum* моноспорали изолятларининг морфологик жиҳатдан ва молекуляр-генетик жиҳатдан идентификацияси амалга оширилди.

Fusarium туркумига мансуб замбуруғлар турлари моноспорали изолятларини морфологик ва молекуляр-генетик жиҳатдан идентификация қилиш жуда катта аҳамиятга эга. Бу тур вакилларининг морфологик жиҳатдан бир-бирига жуда ўхшаш, турли озуқа муҳитларида турлича пигментлар пайдо қилиши морфологик жиҳатдан идентификация қилишда

қийинчиликлар келтириб чиқаради. *Fusarium* туркуми хилма-хил тур ичи вакилларига эга бўлиб, биргина *F. oxysporum* турининг 80 дан ортиқ тур ичи хилма-хиллиги фанга маълум. Ўрганилган туркум турларини идентификация қилишда морфологик ва молекуляр-генетик жиҳатдан таққосланилганда 32% мос келганлиги кузатилди.



2-расм. Микологик анализлар натижасида ажратиб олинган *Fusarium* туркуми замбуруғларининг морфологияси

Мазкур туркум вакиллари таксономик тўғри идентификация қилинмаса, ажратилган культуралар орқали қишлоқ хўжалиги экинлари касалликларини диагноз қилиниши ва патогенларга қарши кураш чоралари нотўғри олиб борилиши мумкин. Бу эса экин ҳосилдорлиги пасайишига сабаб бўлади.

Fusarium туркумига мансуб замбуруғлар табиатда кенг тарқалган бўлиб, биоценозда озуқа занжирининг муҳим босқичини ташкил қилади. Экологик шароитга боғлиқ равишда биологик хусусиятларининг ўзгариб бориши, уларнинг тарқалиш ареали кенгайиб боришига, ҳар хил турга мансуб ўсимликларни касаллантириб, қишлоқ хўжалигига катта иқтисодий зарар этказишга сабаб бўлмоқда.

Республикамизнинг турли ҳудудлари қишлоқ хўжалик экинларида фузариоз касаллигини қўзғатувчи *Fusarium* туркумининг 16 тури, 1 ихтисослашган формаси ва 3 физиологик ирқи аниқланди. Таксономик таҳлилда ажратилган турлар Дунё (олам), филум (бўлим), синф, тартиблар гуруҳи, тартиб, оила ва туркумлар Leslie, Summerell (2006) услубий қўлланмаси асосида, туркум турлари эса алфавит бўйича жойлаштирилди (4-жадвал).

Республикамизнинг турли ҳудудларида қишлоқ хўжалик экинларини зарарловчи
Fusarium туркуми турларининг систематик ўрни

Таксономияси (телеоморфа босқичи)	
Олам	Fungi (Mycetes)
Филум	Ascomycota
Тартиблар гуруҳи	Pyrenomycetes
Тартиб	Hypocreales
Оила	Nectriaceae
Туркумлар	<i>Gibberella</i> , <i>Haematonectria</i>
Таксономияси (анаморфа босқичи)	
Олам	Fungi (Mycetes)
Сунъий гуруҳ	Deuteromycetes
Тартиб	Hyphomycetales
Оила	Moniliaceae
Туркум	<i>Fusarium</i>
Турлар:	
<p><i>Fusarium avenaceum</i> (Fries) Saccardo, <i>Fusarium culmorum</i> (W.G. Smith) Saccardo, <i>Fusarium equiseti</i> (Corda) Saccardo (анаморфа), <i>Gibberella intricans</i> Wollenweber (телеоморфа), <i>Fusarium fujikuroi</i> Rheeder, Marasas & Nelson, <i>Fusarium graminearum</i> Schwabe (анаморфа), телеоморфаси <i>Gibberella zea</i> (Schwein) Petch (телеоморфа), <i>Fusarium globosum</i> Rheeder, Marasas & Nelson, <i>Fusarium heterosporum</i> Nees ex Fries (анаморфа) = синонимлари <i>Fusarium graminum</i> Corda, <i>Fusarium reticulatum</i> Mont., <i>Gibberella cyanea</i> Wollenweber (телеоморфа) <i>Fusarium lateritium</i> Nees (анаморфа), <i>Gibberella baccata</i> (Wallroth) Saccardo (телеоморфа), <i>Fusarium oxysporum</i> Schlechtendahl emend. Snyder & Hansen ва унинг <i>Fusarium oxysporum</i> f.sp. <i>vasinfectum</i> ихтисослашган формасининг физиологик ирқлари: FOV R3; FOV R4; FOV R6., <i>Fusarium poae</i> (Peck) Wollenweber, <i>Fusarium proliferatum</i> (Matsushima) Nirenberg (анаморфа), <i>Gibberella intermedai</i> (Kuhlman) Samuels, Nirenberg & Seifert (телеоморфа), <i>Fusarium sambucinum</i> Fuckel s. str. (анаморфа), <i>Gibberella pulicaris</i> (Fries) Saccardo var. <i>pulicaris</i> (телеоморфа) = синонимлари <i>Fusarium torulosum</i>, <i>Fusarium venenatum</i>, <i>Fusarium solani</i> (Martius) Appel & Wollenweber emend. Snyder & Hansen (анаморфа), <i>Haemanectria haematococca</i> (Berkeley & Broome) Samuels & Nirenberg. (телеоморфа), <i>Fusarium sporotrichioides</i> Sherbakoff, <i>Fusarium tricinctum</i> (Corda) Saccardo (анаморфа), <i>Gibberella tricincta</i> El-Gholl, McRitchie, Schoulties & Ridings (телеоморфа), <i>Fusarium verticillioides</i> (Saccardo) Nirenberg (анаморфа), синонимларидан бири <i>Fusarium moniliforme</i> Sheldon, <i>Gibberella moniliformis</i> Wineland (телеоморфа) <i>Gibberella fujikuroi</i> Mating Population A.</p>	

Диссертациянинг «Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари экин далаларида *Fusarium* туркуми турлари тарқалиши ҳамда уларнинг патогенлик хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида республикамизнинг турли ҳудудларидаги *Fusarium* туркуми турларининг тарқалиши, айрим қишлоқ хўжалик экинлари уруғларининг унувчанлигига замбуруғ тур ва физиологик ирқларидан ажратилган культурал суюқликларининг таъсири, уларнинг патогенлик хоссалари, *Fusarium* туркуми патоган вакиллари ва айрим сапротроф микромицетларнинг ғўза вегетацион ривожланиш даврларидаги зарарлаш даражалари ва ўсимликнинг морфологик тузилишига таъсири ҳамда фузариоз касаллигига қарши кураш чораларини ишлаб чиқишда, айрим фунгицидлар ва

биопрепаратларнинг самарадорлигини *in vitro* усулида аниқлаш, қиёсий таққослаш бўйича олинган тадқиқот натижалари баён этилган.

Республикамизнинг турли вилоятларидан ажратилган *Fusarium* туркумига мансуб *F. oxysporum*, *F. solani*, *F. graminearum*, *F. verticilloides* замбуруғларидан ажратилган культурал суюқликларининг *Gossypium hirsutum*, *Triticum aestivum*, *Zea mays*, *Sorghum cernuum* уруғларининг унувчанлигига таъсири синовдан ўтказилди. Тадқиқотда *F. oxysporum*, *F. solani*, *F. graminearum*, *F. verticilloides*, *F. sporotrichioides*, *F. fujikuroi*, *F. equiseti* ва *F. proliferatum* турларининг ажратиб олинган штамм намуналаридан фойдаланилди.


Тупрокда учрайдиган *F. solani* тури юқори патогенлик хусусиятини намоён қилиши ҳамда бу турнинг патогенлик эволюцияси такомиллашиб бориши натижасида ўсимликлар уруғининг унувчанлигига таъсири бошқа турларга нисбатан юқорилиги исботланди. Тадқиқотлар давомида *F. oxysporum* 595 ва 576 штаммлари патогенлик хусусиятини кучли намоён қилиши кузатилди. Кейинги амалий ва фундаментал тақиқотларда, юқорида ўрганилган штаммларининг патогенлик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, улардан сунъий фонлар ҳосил қилишда ва бошқа мақсадларда фойдаланишга тавсия қилиш мумкин.

F. oxysporum f.sp. *vasinfectum* замбуруғининг турли физиологик ирқларидан ажратилган культурал суюқликларининг 3 та ғўза, 3 та буғдой ва 1 та маккажўхори навлари уруғларининг унувчанлигига таъсири синовдан ўтказилди (3-расм).

Fusarium oxysporum f.sp. *vasinfectum* замбуруғи физиологик ирқининг №316 штамми культурал суюқликларида барча районлаштирилган 3 та ғўза навлари юқори даражадаги чидамсизликни намоён қилди. Униб чиқмаган уруғлар фоизи Ан-Баяут-2 ва Бухоро-6 навларида 100 фоизни, Меҳнат навида 85 фоизни ташкил этди. *Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum* замбуруғи 4-физиологик ирқининг №328 штаммида униб чиқмаган уруғлар Бухоро-6 навида 100 фоизни, Ан-Баяут-2 навида 86,0 фоизни, Меҳнат навида эса 90,0 фоизни ташкил этди. *Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum* замбуруғи lineage II (1, 2, 6) физиологик ирқининг №444 штаммида униб чиқмаган уруғлар Бухоро-6 навида 100 фоизни, Ан-Баяут-2 навида 88,0 фоизни, Меҳнат навида эса 96,0 фоизни ташкил қилди.

